

Бизларким қуйида имзо чекиб ўзаро шартнома тузувчилар бир томондан «Қўмиртаъминот» МЧЖ номидан Б.Султанов келгусида «ХИЗМАТ КўРСАТУВЧИ» деб номланади ва иккинчи томондан Мархамат тумани «Халқ таълими бўлими» номидан раҳбари Э.Қорабоев келгусида «БЎЮРТМАЧИ» деб номланиб, қуйидаги мазмунида шартнома туздик.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. Ҳақ эвазига ушбу Шартнома бўйича «ХИЗМАТ КўРСАТУВЧИ» «БЎЮРТМАЧИ» нинг топширигига кура мазкур Шартноманинг 1,2-бандида кўрсатилган мажбуриятни олади, «Буюртмачи» эса ушбу хизмат учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2.

(сўмда)

№	Кўрсатиладиган хизматлар	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи (ҚҚС билан)	Умумий қиймати (ҚҚС билан)
1	Қумир ташиш транспорт хизмати	дона	35630	1150	40974500
Ж А М И :					40974500

Шартноманинг умумий суммаси: 40974500 (Қирк миллион туккиз юз етмиш тўрт минг беш юз) сўм.

2. КўРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТНИНГ СИФАТИ

2.1. Кўрсатилган хизмат сифати Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан қумир ташиш бўйича транспорт хизмати кўрсатиш учун белгиланган меъёрларга мувофиқ бўлиши лозим.

2.2. Бюджет ташкилотига сифатли хизмат кўрсатиш билан бирга мувофиқлик лицензия нусхаси тақдим этилади.

3. ШАРТНОМА ҚИЙМАТИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Ҳисоб китоб «БЎЮРТМАЧИ» томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3.2. Шартнома кучга кириб, тегишли Ҳазначилик тизимидан рўйхатдан ўтиб, маблағ 10 банк иш кунинда «БЎЮРТМАЧИ» кўрсатилган хизматнинг умумий суммасини 30 % изи олдиндан аванс тариқасида «ХИЗМАТ КўРСАТУВЧИ» нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

3.3. «БЎЮРТМАЧИ» Қолган 70 % маблағни «ХИЗМАТ КўРСАТУВЧИ» томонидан хизматлар амалга оширилганлиги ҳақида далолатнома асосида маблағ 15 банк иш кунинда ўтказиб беради.

3.4. «БЎЮРТМАЧИ» томонидан 30 % олдиндан амалга оширилгандан сўнг «ХИЗМАТ КўРСАТУВЧИ» 15 банк иш кунини давомида мазкур шартномада кўрсатилган миқдорда ва нархларда Давлат стандарти гигиена талабларига жавоб берадиган, хизматларни « БЎЮРТМАЧИ » га хизмат кўрсатади.

3.5 Кўрсатилган хизматлар «ХИЗМАТ КўРСАТУВЧИ» ҳисобидан қопланади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1 «ХИЗМАТ КўРСАТУВЧИ» қуйидаги ҳуқуқларга эга.

- Кўрсатилган хизматлар учун олдиндан ҳақ тўлаши ва тегишли қонун ҳаражатларида белгиланган тартибда ва-ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилишни бюджет ташкилотидан талаб қилиш;

- Берилган буюртмага мувофиқ Кўрсатилган хизматларни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини бюджет ташкилотидан талаб қилиш;

4.2. «ХИЗМАТ КўРСАТУВЧИ» қуйидагиларга мажбур:

-Бюджет ташкилотига Кўрсатилган хизматларни мазкур шартномага асосан ёки бюджет ташкилоти томонидан мазкур шартноманинг 5.5. бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртмасига асосий белгиланган муддатларда сифат ва миқдорда етказиб бериш;

-Агар «ХИЗМАТ КўРСАТУВЧИ» шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса бюджет ташкилотнинг талаби билан аниқланган барча камчиликлар 3 кун муддатда бепул тузатиб бериш;

4.3. «БЎЮРТМАЧИ» нинг ҳуқуқлари:

-«ХИЗМАТ КўРСАТУВЧИ» дан амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш.

-«ХИЗМАТ КўРСАТУВЧИ» дан мазкур шартнома асосида бериладиган буюртмага мувофиқ тегишли сифат Кўрсатилган хизматлар талаб қилиш,

-Баҳосини мутаносиб тарзда қамайтирилишини талаб қилиш;

-Мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини Кўрсатилган хизматдан талаб қилиш;

4.4. «БЎЮРТМАЧИ» мажбуриятлари:

-Ўз буюртмаси бўйича Кўрсатилган хизматини мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

4.5. Шартномада кўрсатилган нархлар бозорда нарх наво ўзгариши ҳисобига ўзгартирилади.

4.6. Автобусга сарфланадиган ёқилгини ўз ҳисобидан таъминламайди.

5. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

5.1. Шартнома қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши шарт. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа шартнома бажарилган ҳисобланади.

5.2. Шартнома бажариллигини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

5.3. «БЎЮРТМАЧИ» нинг розилиги билан товар маҳсулот муддатдан олдин етказиб берилиши мумкин.

5.4. «БЎЮРТМАЧИ» муддатлари бузилган ҳолда Кўрсатилган хизматлар қабул қилишни рад этишга ҳақли.

5.5. Кўрсатилган хизматлар бевосита «БЎЮРТМАЧИ» нинг маъсул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади.

5.6. Мазкур шартномада назарда тутилган хизматлар бевосита «БУЮРТМАЧИ» нинг буюртмасида курсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада курсатилган давр мобайнида амалга оширилади.

5.7. «БУЮРТМАЧИ» илгари берилган буюртманомани бекор қилишга еҳуд хизматни тегишли туркумларини етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда «ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ» нинг буюртманомасида курсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Етказиб бериладиган товар махсулоти сифати, миқдори «ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ» томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати, нотўғри белгиланиши ва ундириш ҳоллари аниқланган тақдирда «ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ» Курсатилган хизмат сифатини шунингдек миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади ва ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари «БУЮРТМАЧИ» га нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20 % миқдорида жарима тўлайди.

6.2. Агар Курсатилган хизматнинг сифати, ассортименти, навлари, стандарт техник шартлар талабларга намуналарга еки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда айбдор томон етказиб берилган сифати зарур даражада бўлмаган товар махсулот қийматининг 20 % миқдорида жарима тўлайди.

6.3. Товар махсулот етказиб бериш буйича шартномада назарда тутилган мажбуриятларини бажарилиши рад этилмаганлиги учун Курсатилган хизмат «БУЮРТМАЧИ» га белгиланган устамалардан ташқари етказиб берилиши керак бўлган хизматнинг 20 % миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари «ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ» «БУЮРТМАЧИ» га хизмат курсатмаслиги натижасида аниқланган зарарни тўлайди.

6.4. Курсатилган хизмат кечиктирилган ёки тўлиқ хизмат курсатилмаган тақдирда «ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ» «БУЮРТМАЧИ» га кечиктирилган хир бир кун учун мажбурий бажарилмаган қисмининг 0,5 % миқдоридда пеня тўлайди. Бирок, бунда пенянинг умумий суммаси Курсатилган хизмат қийматиинг 50 % дан ортик бўлмаслиги керак.

6.5. Курсатилган хизмат учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда «ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ» «БУЮРТМАЧИ» га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 % миқдорида пеня тўлайди, бироқ кечиктирилган тўлов суммасининг 50% дан ортик бўлмаслиги керак.

6.6. Мазкур шартномада назарда тутилган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқоралик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

7. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

7.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда томонлар қоидага кўра мустақил равишда улар судгача хал этиш чораларини кўрадилар.

7.2. Томонларнинг келишмовчиликлари ва низоларни хал этиш, бевосита судга муурожаат қилишга ҳақлидир.

7.3. Шартнома бузилиб, узаро келишилган тақдирда Ўзбекистан Республикаси қонунлари асосида (ёки арбитраж) орқали хал қилинади.

8. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

8.1. Агарда бир томондан шартларни бажара олмаслиги ёки махсулот сифати миқдори ва суммаси тўғрисидаги ўзгариш бўлса, олдиндан узаро келишувга асосан ўзгартириш киритилади.

8.2. Форс мижор ҳолатида шартнома бузилса, ўзаро келишиб олинади.

8.3. Шартнома икки нусхада тузилиб, иккиси ҳам юридик жиҳатидан тенг қучли ҳисобланади.

9. ШАРТНОМА МУДДАТИ

9.1. Шартнома томонлар имзолаб, ҳудудий Ғазначилик бўлимида руйхатга олинган қундан қучга кириб, 2022 йил 31 декабр гача амал қилади.

9.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам ҳуқуқ жиҳатидан тенг қучли ҳисобланади.

10. ТОМОНЛАР БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАНЗИЛҒОҲЛАРИ.

«ХИЗМАТ КЎРСАТУВЧИ»

«БУЮРТМАЧИ»

Номи: «Қумиртаъминот» МЧЖ

Номи: Марҳамат туман Халқ таълими бўлими

Манзили: Андижон шаҳри

Манзили: Марҳамат т Мустақиллик куча

Хр: 20208000904794416001

ШХВ: 100022860032277092100075056

Банк: «Қумиртаъминот қўриқчилик ва сўраш банк» АТБ

СТИР: 200286343 ХХТУТ: 92400

Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги

Ғазначилиги

Ғазна х/р : 2340 2000 3001 0000 1010

МБ ББХККМ Тошкент шаҳар

МФО: 00014, СТИР: 201122919


Номи: Қумиртаъминот МЧЖ

Ғазбар: ANDIJON VILOIAT

Б.Султанов
Ф.И.

Ғазбар: М.Ў.

Э.Қорабоев
Ф.И.



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA**

№ UE5822350655

1. Loyihaning turi

Haq evaziga xizmat ko‘rsatish to‘g‘risida shartnoma

2. Loyihaning nomi


“Ko‘mirta‘minot” MCHJ tomonidan yuk tashish transport xizmatini ko‘rsatish to‘g‘risida

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma‘lumot

Marhamat tumani Xalq ta‘limi bo‘limi tomonidan 2022 yil 5 avgust kuni taqdim etilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Yuridik xizmat ko‘rsatish markazi
bosh yuriskonsulti**



Z.Z.Ikramov
10.08.2022 yil